O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 23 август ШАНБА
№ 66 (12.077)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади
www.th.uz

Август – ғўза парваришида муҳим палла

**АЙНИ вақтда вилоятимиз фермерларининг энг асосий мақсади пахтачиликда кўзланган марраларга ёруғ юз билан етиш, шартнома мажбуриятларини бекаму кўст бажаришдек улкан масъулият турибди. Ўтаётган август ойида эса бу масъулият юки ўн чандон ошгани шубҳасиз. Негаки, август ойининг ҳар бир куни ғанимат эканини, ҳосил тақдири ва сифати масаласи ҳал бўлишини чинакам деҳқонга эслатиб ўтиш ортиқча. Бироқ, ҳосилга ҳосил қўшиладиган паллаларда хотиржамликка берилиш, ғўза парвариши ва агротехникасига бепарво муносабатда бўлиб, бу борада ўзибўларчилик кайфиятида иш тутиш бебаҳо имкониятларнинг бой берилишига олиб келишини назардан соқит қилмаслик керак.**



## ҲОСИЛ УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда экиннинг баравж ривожланиши, ҳосил салмоғини ошириш учун муҳим шароитлар яратиш, бегона ўтларни йўқотиш, культивация, чилпиш, суғориш тадбирларини маромида, сифатли ўтказиш, сувдан оқилона фойдаланиш, зараркунанда ҳашаротларга, хусусан, кўсак қурти ва ўргимчакканага қарши кескин курашиш каби муҳим вазифалар ўтган йиллар сабоқ ва тажрибаларидан келиб чиқиб, бекаму кўст адо этилгани ҳолда табиий шароит, сув танқислиги, шу билан бир қаторда айрим ер эгаларининг масъулиятсизлиги ва бепарволиги туфайли ривождан ҳийла орқада қолган экин майдонлари ҳам йўқ эмас. Айни дамларда республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимида тегишли ташкилот ҳамда илмий муассасалар, фермерлар уюшмаси мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлар жойлардаги мавжуд аҳволни атрофлича таҳлил қилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмас чораларни кўрмоқдалар.

– Қарийб 60 гектар майдонда пахта етиштираяпмиз, – дейди Бекобод туманидаги "Марҳамат – Саломат" фермер хўжалиги раҳбари Рўзибой Самадов. – Ҳар йили давлатга 180-200 тонна атрофида пахта етказиб берамиз, Шукрки, шу вақтга қадар пахтадан 30 центнердан кам ҳосил олмаганмиз. Бунинг ўзи бўлмайди, албатта. Негаки, пахтачиликнинг ўзига хос нозик, мураккаб жиҳатлари талай. Деярли ҳар мавсумда табиий равишда бирор ноқулайлик туғилади. Боиси, даланинг томи, табиатнинг бурови йўқ. Қўлига кетмон тутган деҳқон даласига умид ва меҳр билан муносабатда бўлиши, ҳар қандай қийинчиликларга аввалдан тайёр туриб, уларни бартараф этиши керак. Ўзимиздан қиёс. Август ойида хўжалигимиз аъзолари билан қилиниши зарур бўлган барча тадбирларни аввалдан белгилаб, ишга киришдик. Бу ўз самарасини кўрсатди, албатта. Ой бошида ҳар туп ғўзада 5-6 тадан кўсак бўй кўрсата бошлаган эди. Ҳозир улар сони ўртача 20 та атрофида. Айтмоқчиманки, ҳаракатларимиз ҳосил тўплаш жараёнларини тезлаштирди, кўсакларни кўпайтириш ҳамда бўлиқ, ғозли бўлиб етилишига хизмат қилди.

Биринчи навбатда ғўзани вақтида чилпишга ҳаракат қилдик. Кейин культивацияга зўр бердик. Кетма-кет чилла сувига қондирдик. Ҳар бир сувдан кейин эгат ораларини юмшатиб чиқишга тўғри келди. Агар шундай қилинмаса, ғўза атрофидаги тупроқ ёрилиб, экинга озуқа етказиб берадиган томирлар шикастланади. Бу экинни ривождан қолдиради, ҳосил баракасини учиради.

Дарҳақиқат, хўжалик аъзоларининг фикрича, кўсаклар очилгач, биринчи теримнинг ўзидаёқ 27 центнердан ҳосил олиш мумкин. Бу контрактация шартномасини қоплаш учун кифоя қилади.

– Ҳаракатларимиз натижаси боис, – дейди фермер пировардида, – насиб қилса, қўшимча оладиган ҳосилимиз вилоятимизнинг "оқ олтин" хирмонига муносиб ҳиссамиз бўлади.

**СУРАТДА:** фермер Рўзибой Самадов тўпланаётган ҳосил чўғидан мамнун.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## МАЪНАВИЯТ АВВАЛО ОИЛАДА ШАКЛЛАНАДИ

**ВИЛОЯТИМИЗ туман ва шаҳарларида, давлат муассасалари ва ўқув даргоҳларида республика Президентининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарини ўқиб-ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида турли учрашувлар, мулоқотлар, давра суҳбатлари давом этаётир.**

Шундай тадбирлардан бири вилоятимизнинг Бекобод туманида бўлиб ўтди. "Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя" мавзусидаги тадбирда "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобининг миллий маънавиятимизда тутган ўрни ва унинг моҳияти ҳақида сўз борди.

– Маънавият инсоннинг қон-қони, суяк-суягига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аждодлар ўгити, Ватан туйғуси, ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан, қатра-қатра бўлиб сингиб боради. Айниқса, табиатга, одамларга яқинлик, доимо яхшиликни ўйлаб яшаш, ҳалол меҳнат қилиш маънавиятга озиқ беради, – деди Республика Маънавият тарғибот маркази бўлими бошлиғи Шамсиддин Жумаев. – Маънавият аввало оилада шаклланади.

– Давлатимиз раҳбарининг ушбу асари ёш авлоднинг маънавий баркамол бўлиб улғайишида ўзига хос аҳамиятга эгадир, – деди Оққўрғон туманида бўлиб ўтган шундай тадбирда сўзга чиққан Тошкент Давлат аграр университети қошидаги академик лицейи директори, юридик фанлари номзоди, доцент Раъно Турдибоева. – Биз бугун маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз лозим.

Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобини ўрганиш бўйича Қуйичирчиқ, Чиноз ва Тошкент туманларида ҳам қатор мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

## ИЖОДГА МУНОСИБ РАҒБАТ

**ПОЙТАХТДАГИ Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбеккино" миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси ҳамкорлигида давлатимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Энг улуғ, энг азиз – 2008" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Танлов ижодкорларни юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлида эришилган ютуқларни, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг кўлами ва аҳамиятини, жамиятнинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги туб ўзгаришларни, маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ватандошларимизни, айниқса, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдаги ролини ёритишга чорлаш мақсадида ўтказилди.

Бу йилги танлов бешта, яъни ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари, босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари, телерадио ижодкорларининг материаллари, тасвирий ва кино санъати асарлари номинациялари бўйича ўтказилиб, уларнинг ҳар бирида дастлабки уч ўрин учун учта асосий мукофот ҳамда иккитадан рағбатлантирувчи мукофот таъсис этилган эди.

Кўрик-танловда 962 муаллиф 6600 дан ортиқ ижодий ишлари билан иштирок этди. Хусусан бадиий ижод бўйича 180 га яқин ёзувчи ва шоирлар 600 дан зиёд асарлар тақдим этишди, 50 дан зиёд босма ОАВ ходимлари 700 дан ортиқ мақола топширишди, 44 телерадиоижодкор 251 та кўрсатув ва эшиттиришлар ҳавола этишди. Тасвирий санъат бўйича 673 та муаллиф 4950 дан зиёд иш, кино санъати бўйича 15 муаллиф турли жанрларда яратилган 50 га яқин кино асарлари билан қатнашди.

Танловнинг ғолиб ва рағбатлантирувчи номинация соҳибларига ташкилотчилар томонидан таъсис этилган фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Хуршида НАЗАРОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Меҳнат ярмаркаси

## АКСАРИЯТ ЁШЛАР ИШГА ЖОЙЛАШИШДИ

**ЁШЛАР йили муносабати билан ҳамда вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси ва ички ишлар бошқармасининг "Ёшларни иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қўшма қарори ижросини таъминлаш мақсадида барча шаҳар ва туманларда меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда.**





Олмалиқ шаҳрида ўтказилган навбатдаги ҳудудий меҳнат ярмаркасида Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон, Пскент шаҳар ва туманларидан 103 та корхона беш минг иш ўринлари билан иштирок этди. 2000 нафар ёш мутахассислар корхона ва ташкилотларнинг таклиф ва талаблари билан танишиб, уларнинг 800 нафари ўзларига муносиб иш танлаш имкониятидан фойдаланишди.

– Бугунги тадбир юқори савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман, – деди Ангрен политехника касб-ҳунар коллежи директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Муҳаммад Мирзараймов. – Меҳнат ярмаркасида коллежимиз битирувчиларидан 30 нафари иштирок этди. "Ўзбеккўмир" ва "ОТМК" ОАЖлари, Ангрен кон бошқармаси ва бошқа ташкилотларнинг таклифлари билан танишиб, 20 нафар ёшларимиз иш ўринларига эга бўлдилар.

Олмалиқ шаҳар бандликка кўмаклашувчи маркази раҳбари Муҳиддин Ҳайдаровнинг таъкидлашича, меҳнар ярмаркасида 1082 нафар Олмалиқ ёшлари қатнашиб, уларнинг 400 нафари мутахассисликлари бўйича ишга жойлашдилар.

– Меҳнат ярмаркаси вилоятимизнинг 22 та шаҳар ва туманлари бўйлаб давом этади, – дейди М. Ҳайдаров. – "Ёшлар йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, қолаверса, ҳукуматимизнинг ижтимоий ҳимоя юзасидан белгилаб берилган чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида ташкил этилаётган бу каби тадбирлар эндиликда доимий анъанага айланади.

Ҳудудий меҳнат ярмаркасида вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими ва "Камолот" ЁИҲнинг вилоят кенгаши вакиллари иштирок этди.

**Камола УМАРАЛИЕВА.**

## МУНОЗАРАГА БОЙ БЎЛДИ

**ТОШКЕНТ тумани, Ҳасанбой қишлоқ фуқаролар йиғинида "Оила – муқаддас даргоҳ" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги муносабати билан ўтказилган мазкур тадбирда республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Оила" илмий-амалий маркази вакиллари сўзга чиқишди. Улар ўз маърузаларида асосий эътиборни оилавий муҳитни соғломлаштириш, хотин-қизлар учун яратилаётган имкониятлар, эр-хотин ўртасидаги муносабатлар ва тўй-маъракаларни исрофгарчиликсиз ўтказиш масалаларига қаратишди.

Давра суҳбати баҳс-мунозараларга бой бўлди.

**Ҳикматилла МАҲКАМОВ.**

## ТОШЛОҚДА ЯНА БИР ТЎЙХОНА

**БЎКА туманидаги "Аср" фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Ҳожиматов саъй-ҳаракати билан Тошлоқ маҳалласида бунёд этилган "Файз" тўйхонаси мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди.**

Ёшлар йили муносабати билан бу ерда тўй либослари, сартарошлик салони, шунингдек, компьютер хизматлари ҳам ташкил этиляпти. Мақсад, қишлоқда ёшлар учун замонавий хизмат шахобчаларини эҳтиёж даражасида кўпайтиришдир.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

**АНГРЕНДАГИ кимё-саноат коллежи тўлиқ реконструкция қилингач, мутлақ янги қиёфа касб этди.**

## КОЛЛЕЖ ЯНГИ ҚИЁФАДА

855 ўқувчига мўлжалланган ўқув биносидан ташқари амалиёт бўлими, ётоқхона ва ошхоналар ҳам замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, коллеж ҳудудида "Ёшлар боғи" ташкил этилди.

**Мунира ИСАЕВА.**




## ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИСИ – ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ

**XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида спортчиларимиздан Артур Таймазов эркин кураш бўйича энг оғир – 120 килограмм вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, иккинчи марта Олимпиада ўйинлари чемпиони бўлди.**

Жаҳоннинг энг кучли эркин курашчиларидан ҳисобланган А.Таймазов финал учрашувида россиялик Бахтиёр Аҳмедов билан куч синашди. 2000 йилдан буён Олимпиада ўйинларида учинчи маротаба финалга чиққан ҳамюртимиз рақибини муддатидан олдин енгиб, олимпиадачиларимиз ҳисобига биринчи олтин медални қўшди.

Сидней Олимпиадаси кумуш, Афина Олимпиадасининг олтин медаллари соҳиби, икки карра жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси, 29 ёшли юртдошимиз А. Таймазов Пекин Олимпиадасининг финалига қадар озарбойжонлик Европа чемпионати совриндори Али Исаевни 3:1, кубалик Дисней Родригесни 3:1, Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпиони Давид Мусулбесни (Словакия) 3:0 ҳисобида мағлуб этган эди.

– Мен бу гал ҳам халқимизнинг ишончини оқлаб, Олимпия олтин медалини қўлга киритганимдан ғоят бахтиёрман, – деди Артур Таймазов. – Бу ғалабамни Ватаним – Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлайман.

Ўзбекистон Республикаси вакили А. Таймазовнинг Пекин Олимпиадасида эришган юксак ғалабаси шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз жаранглади.

Айни пайтда, ўзбекистонлик таэквондочилар – Евгения Каримова, Дмитрий Ким ва Акмал Эргашев, каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё чемпиони Вадим Менков юқори ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.**

